

Янги сиёсат, янги ғоя ва ташаббуслар билан мамлакатимизда барча жаҳолларда амалга оширилётган ислохотлар ҳамда эришилётган ютуқлар халқимизни қувонтирмоқда. Эзгу ишлар рўйида эса, касоба уюшмаларининг алоҳида ҳиссаси бор. Бу Сурхондарё вилоятида мавжуд меҳнат жамоаларидаги 2709 та бошланғич ташкилотда қарийб уч ой давомида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида ўз исботини топди.

ИЛМГА ЭЪТИБОР САМАРАСИ

Дарҳақиқат, конференция – бу кейинги 5 йилдаги фаолият натижаси ва истиқболда бажарилиши кўзда тутилган ишлар бўйича маслаҳатлашувдир. Мана шундай сарҳисоб энди вилоятда мавжуд 43 та ўрта бўғиндаги тузилмалар – тармоқ касоба уюшмалари ва вилоят, шаҳар, туман ҳудудий кенгашларида навбати билан ўтказилмоқда. Шу вақтгача эса 33 та кенгашда бу тадбирлар ниҳоясига етди.

Жумладан, Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси Термиз шаҳар ташкилоти конференциясида кенгаш раиси Эркин Тангиров етакчилиги қай даражада оқлаганига эътибор қаратилди. Шу боис делегатлар етакчи ва тафтиш комиссияси раисининг ўтган даврда амалга оширилган вазифалар бўйича маърузаларини диққат билан тинглади. Таъкидлаб ўтилдики, ҳудудий кенгаш ўз фаолияти мобайнида тузилган жамоа шартномаларига мувофиқ, 71 та бошланғич ташкилот орқали 17 минг 808 нафар аъзонинг ҳар бири ижтимоий кўлловни ҳис этишига катта эътибор қаратган. Натижада ўтган даврда аъзолар сони 4256 нафарга кўпайган бўлиб, шундан 2875 нафарини аёллар ташкил этади. Уз-уздан аъзолик бадаллари бўйича ялпи тушум ҳам сезиларли даражада ошиб, қарийб 7 млрд. 732 млн. сўмга етган.

Ўтган 5 йил мобайнида касоба уюшмалари томонидан ажратилган 645 млн. сўм эъзига 456 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари республика ва вилоятимиздаги санаторийларда соғлиқларини тиклашди. Ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан яна 231 нафар ходим бундай имкониятга эга бўлди. Шунингдек, соҳа ходимларининг 564 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди. Ишда барчага намуна бўлган таълим ходимларини рағбатлантириш учун 12,1 млн. сўм, уларга моддий кўмак бериш учун 68 млн. 923 минг сўм маблағ йўналтирилди. Энг асосийси, уларнинг ойлик маошлари деярли уч бараварга ошди.

– Ходимлар, айниқса, устоз-муаллимлар меҳнатига яраша қадрланса, юрт келажаги порлоқ бўлишига шубҳа йўқ, – дейди конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. – Зеро, илм эгалари учун, маърифат учун сарфланган маблағ, албатта, ўз самарасини беради.

Ҳисоботлар тингланиб, музокаралар ўтказилгач, делегатлар томонидан ташкилотнинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

Шундан сўнг ташкилот раислигига 2 нафар номзод ўзаро рақиб бўлди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра, Эркин Тангиров қайта сайланди.

ЁШЛАР КАСОБА УЮШМАЛАРИГА ХАЙРИХОҲ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда кенг қўламли демократик ислохотлар амалга оширилмоқда. Айни жараёнда касоба уюшмалари томонидан қилинаётган ишлар анча салмоқли. Шунинг учун ҳам Аграроқат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Ангор тумани кенгаши тизимидаги 14 та бошланғич ташкилот орқали аъзо бўлган 5132 нафар ишчи-ҳодим касоба уюшмалари тимсолида ўзларининг суянган вақиллини, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам ва ишончли ҳимоячисини кўради, десак, муболага бўлмайди.

– Эътиборлиси, ёшларнинг касоба уюшмаларига ишончи баланд, – дейди АСМ ходимлари касоба уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Жовли Холмуродов. – Биргина Ангор туманида ҳар йили сафимизга 150-200 нафар йилит-қиз қўшилмоқда. Натижада аъзоларнинг қарийб 35 фоизини ёшлар ташкил этмоқда.

Албатта, бу бежиз эмас. Тузилган жамоа шартномалари орқали ходимлар учун қўлай ва хавфсиз меҳнат шартнолари яратилмоқда. Иш ҳақлари меҳнатига яраша оширилиб, устава ва муқофот пуллари бериш тизими йўлга қўйилган. Зарур пайтда дам олишлари ва соғлиқларини тиклашлари ҳам эътибор қаратилмоқда.

Сўнги беш йилда туман АСМ касоба уюшма ва ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан 58 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари республикадаги турли санаторийларда соғломлаштирилди. Ходимларнинг фарзандларини стационар оромгоҳларда дам олдириш учун 72,5 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Аҳамиятлиси, ҳисобот даврида ишчи-хизматчилар учун тўланадиган иссиқ овқат пули 90 фоизга, йўлқира ҳақи 70 фоизга кўтарилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил» дастури асосида 180 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳат зиярат уюштирилди. Бунинг учун касоба уюшма маблағлари ҳисобидан 251 млн. сўм маблағ сарфланди.

Албатта қилинган эзгу ва хайрли ишлар исзис кетмади. Яширин овоз бериш асосида бўлиб ўтган сайлов делегатлар 99 фоиз овоз билан Отабек Бобояровга яна ишонч билдиришди.

Ҳа, ўзига юклатилган вазифаларни аъло бажарган етакчилар яна қайта сайланмоқда. Акси бўлса, бу қарвондан четлаштирилмоқда. Ҳисобот-сайлов жараёнлари қизгин давом этмоқда.

Чори ЖУМАҚУЛОВ

«ISHONCH»



Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилоти: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2025 йил 22 май куни Туркиянинг Анқара шаҳрида Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилотининг I съезди бўлиб ўтди

Съездни Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раиси, Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилоти президенти Қудратилла Рафиқов олиб борди.

– Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилоти, Туркия қонунчилиги талабларига кўра, юридик шахс сифатида расман давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейинги биринчи съездда иштирок этяптимиз, – деди Қ.Рафиқов ўз сўзида. – Мазкур ташкилотнинг таъсис этилиши жаҳон касоба уюшмалари ҳаракати тарихида катта аҳамиятга эга воқеа бўлди. Албатта, эътироф этишимиз лозимки, касоба уюшмалари соҳасидаги бу ҳамкорликнинг давлатларимиз раҳбарлари сўй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасида вужудга келган стратегик ҳамжиҳатликнинг амалий ифодаси, десак асло янглишмаган бўламиз.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида амалий ҳамкорлик бўйича самарали натижаларга эришилшида Ўзбекистон Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари ҳам муҳим ўрин тутаяётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон етакчиси илгари сўраётган «Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ҳамда қардошлиқ тўғрисида»ги битим халқларимизни янада яқинлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорликимизнинг узоқ муддатли ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, бизни жуда катта тарих, бебаҳо умумий мерос бирлаштириб туради. Биз дунё тамаддунларига, тарих саҳнасидаги оламшумул ўзгаришларга эғаллик қилган бир улғу чиноримиз, десак, бу фикримизни ким ҳам инкор эта олади, дейсиз.

Қалбларимиз мудом гурӯрга тўладик, дунёда давлат ва империялар қуришда, илм ва тафаккур оламида туркий аждодларимизнинг олдида туша оладиган на бир халқ, на бир миллат бор! Албатта, бу бизнинг кучимиз, ақлу заковатимизни белгилайдиган тарихий фактдир. Туркий давлатлар ташкилоти-



нинг Анқара шаҳрида ўтган аввалги мажлисида қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоконнинг куйидаги улғу даъватини эсланган эдик:

Эй туркий элим, ўзлигингга қайт, ўзингни англа – янада юксалгайсан!

Биз буён ўша мутафаккир бобомизнинг ниятини амалга оширмоқдамиз. Ва бу йўлда юксалиш одимларимиз ҳам йилдан-йилга ўз салобати билан тобора буй кўрсатмоқда.

Умуман олганда, туркий дунёнинг барча улғулари, мутафаккирлари, ойдинлари халқларимиз биллигини мудом орзу қилиб ўтишган. Хусусан, туркий назм султони Алишер Навоий ижодида бунга жуда кўп мисоллар бор. Озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавийни опасизми, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, маърифатпарвар шоири Абай асарларини ўқийсизми, йиғирманчи аср туркий адабиётининг катта устунларидан бири, улғу қирғиз адиби Чингиз Айтматов асарларини кўрасизми, уларнинг ҳар бирида туркий халқлар аянана ва қадриятларига садоқатини кўрамиз, уларнинг ҳар бирида қалбан шу бектор тарихий меросни чуқур эҳтиёт билан замонага синдириш истаги барқ уриб туради.

Бундан бир аср муқаддам буюк турк фарзанди, Туркия Республикаси асосчиси ва биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк туркий

миллатлар қарамликдаги миллатдошларнинг эркинликка чиқишининг бош шартини маънавий кўприклар орқали амалга ошишини башорат қилгани эсимиздами?

Ҳа, Отатурк жаноблари айтгандек бўляпти ҳам: Биз тил кўприги, йймон кўприги ва тарих кўпригига суяниб олға юрмоқдамиз.

Давр ҳар бир мамлакат олдида бири-бирдан ечим мушкул бўлган талабларни рўбарў қилмоқда. Дунёнинг қайсибир бурчагида бўлиб ўтаётган қуроли низолар бошқа бир минтақада яшайдиган мамлакатларга ҳам бевосита ва ҳеч бўлмаганда, билвосита ўз таъсирини кўрсатаётганига гувоҳимиз.

Шу маънода ўша низолар ва қуроли тўқнашувларни эмас, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, эзгу мақсадлар йўлида бирлашиш иштиёқи ва нияти бизга муборак бўлсин!

Съездда ташкилотга аъзо беш давлат – Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Озарбайжондан 40 нафар делегат иштирок этди.

Тадбирда фахрий меҳмон сифатида Туркий давлатлар Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ҳам қатнашди.

Съездда ташкилот Уставига ўзгартишлар киритиш, Ижроия кўмитига ваколатлар бериш, ташкилотнинг раҳбар органларини сайлаш каби муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Туркия қонунчилигига мувофиқ яширин овоз бериш орқали ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Тур-



кий давлатлар касоба уюшмалари ташкилотининг фахрий президенти эдиб Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, ташкилот президентлигига «TÜRK-İŞ» Туркия касоба уюшмалари Конфедерацияси раҳбари Эргун Аталай сайланди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясидан Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилоти Ижроия кўмитаси Тафтиш комиссияси раислигига Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев, шунингдек, Ижроия кўмита аъзолиги захирасига Федерация Малака ошириш институти ректори Эркин Умархонув, Бош котиб ўринбосарлиги захирасига Санатор-курортлар бош бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолиги захирасига Федерация раисининг ўринбосари Анвар Абдумухторов сайланшиди.

Съездда Эргун Аталай, Саҳиб Мамедов, Сатибалди Даулетаалин, Муродил Жумадилов улуу ва Бинали Йилдирим сўзга чиқиб, туркий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, умумий қадриятлар ва стратегик мақсадлар, ижтимоий-иқтисодий меҳнат ҳуқуқларини таъминлашни кенгайтириш борасида ўз фикрларини билдиришди.

Шу билан Туркий давлатлар касоба уюшмалари ташкилотининг I съезди ўз ишини якунлади.

Ўз мухбиримиз



БУГУНГИ ЗИЁЛИЛАРНИНГ
ЖАДИДЛАР СИНГАРИ ЮРАГИ
ОҒРИМАЯПТИ – РУСТАМ ХОЛМУРОДОВ

«Ishonch»нинг
YouTubeдаги
саҳифасида
кўрин!

Долзарб
мавзуда сўхбат

Сизга ҳам тавсия этамиз!



■ **ФАОЛИЯТ**



«ҲАР БИР ХОДИМНИ ТУҒИШГАНИМДЕК КЎРАМАН»

2014 йилда ташкил топган «Angren shakar» МЧЖ Тошкент вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхона касаба уюшма кўмитасига Баҳодир Йўлдошев, мана, беш йилдирки, раислик қилиб келмоқда. Илтимосдаги вазифага сидқиқидилдан ёндашгани боис ишчилар меҳрини қозонган. Шунинг учун энг кўп овоз тўплаб, навбатдаги муддатга қайта сайланди.

— Кўп йиллар техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишладим, — дейди у. — 2019 йил касаба уюшмаси раислигига сайландим. Назаримда, уюшма раиси ҳар бир ишчи-ходимни ўз туғишганидай кўриши, унинг саломатлиги учун қайғуриши керак. Шунда жамоада ҳурмат қозонади. Мен ҳам худди шу йўлни танладим. Аъзоларнинг бирини ака, бирини ука, бошқасини опа, яна бировини синглимдек эъзозлаб, уларга кўндан келганча ёрдам беряман. Корхонада 800 нафарга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Шундан 120 нафардан ортиги хотин-қизлар, 340 нафарга яқини ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иш берувчи билан келишган ҳолда, жамоа шартномасига ходимлар манфаатини кўлаб, бир нечта бандлар киритганмиз. Масалан, оила кураётган ходимга бериладиган БҲМнинг 5 баробари миқдордаги бир марталик моддий ёрдам 10 баробар қилиб белгиланди. Шунингдек, 50, 55, 60 ёшга тулган ходимларга БҲМнинг 10 баробари миқдорда моддий ёрдам бериладиган бўлди.

Раиснинг айтишича, корхонада афғон руҳи ва Чернобиль ҳалокати иштирокчилари ҳам меҳнат қилишмоқда. Уларга йилда бир марта БҲМнинг беш баробари миқдорда ёрдам пуллари ажратилади. Шунингдек, кузги қишлоқ ҳужаалиги махсулотлари учун, байрамлар муносабати билан бир ойлик маошлари миқдорига мукофот пули берилмоқда. — Корхона 3 та махсус халқаро стандартга эга, — дейди «Angren shakar» МЧЖ меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи Рустам Абдураҳимов. — Ишлаб чиқариш асосан компьютер орқали бошқарилади. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ходимларнинг малакаси ошириб борилмоқда. — Цехда ёнгин юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам йўқ эмас, — дейди Ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи Аброр Абдумаликов. — Шунинг учун барча жойларга махсус белгилар осиб қўйилган, ҳар бир хонанда огоҳлантириш кўнғироғи ишлаб турибди. Ёнгин хавфсизлиги гуруҳи туну кун навбатчилик қилапти.

Корхона ишчилари туризм, маданий-маърифий, спорт тадбирларида ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. Хусусан, ўтган йили Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси аъзолари ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида 1-уринни эгаллашган.

Дарвоқе, ишчилар саломатлиги касаба уюшмасининг доимий диққат марказида. Хусусан, шу даврга қадар уларнинг 100 нафардан зиёд санаторийларда саломатликларини тиклаб келишди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»



Бепарволик ташвиш келтиради

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги нафақат кундалик ҳаётда, балки меҳнат жараёнида ҳам устувор аҳамият касб этиши керак. Айниқса, ҳозир ташкилот-корхоналарда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланмоқда. Масалан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бу масалага алоҳида эътибор билан ёндашмоқда.

— Ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитлари яратиш учун ўтган давр мобайнида иш берувчилар томонидан 29,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, — дейди кенгашнинг меҳнат техник инспектори Ҳайитбек Барноев. — Бу ҳар бир ходим учун ўртача 906 минг 826 сўм сарфланганини англатади. Шунингдек, 2,7 миллиард сўм маблағ эвазига ишчи-ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилди, зарарли меҳнат шaroитида фаолият юритаётганларга 1,8 миллиард сўмлик сут махсулотлари ва гигиена воситалари тарқатилди.

Инспекторнинг қайд этишича, ўтган йили иш жойларида



Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги Абай номли овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Дилафрўз Тангрибергано ва ёшлиқда ўрганган хунари сабаб маҳалла аёллари иш билан таъминланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу ҳақда у шундай хикоя қилади.

— Келин бўлиб тушган оилам каттагина эди. Беш нафар овсин аҳил-иноқ яшадик. Йиллар ўтиб, рўзгоримизни алоҳида қилдик. Кам-кўстимиз кўп эди. Овул эмасми, қиш кунлари ҳадеганда иш топилавермас, турмуш ўртоғим рўзгор ташвишида ойлаб-йиллаб олисларга ишлагани кетарди. Тикувчиликка ёшлигимдан қизиқардим, кўйлақлар тикиб турардим.

Бир кун овул фуқаролар йиғини раиси Абат Тунгишбаев хузурига бордим ва кўлимда хунарим борлигини, бирор юмуш бўлса, албатта, ишлашимни айтдим. Улар оилавий шaroитимизни

ликни янада кучайтириш, иш ўрни яратиш мақсадида йил бошида имтиёзли асосда 100 миллион сўмлик кредит олдик.

Кувонарли жиҳати, туман хотин-қизлар бўлими кўмағида менга янгидан фойдаланишга топширилган маҳалла идорасидан иккита катта хона ажратиб беришди. Ҳозир 20 нафарга яқин хотин-қизни иш билан таъминлаганман. Асосан кўшни давлатлардан буюртмалар оламиз. Тўй-ҳашамларга мос миллий либослар тикиб беришимизни сўрайдиган харидорларимиз кўп.

Инсон ҳаракат қилса, ҳар қандай ишни уддаларкан. Кичиккина дўкончимиз ҳам бор. Тиккан махсулотларимизни сотяпмиз. Рўзгоримиз бутланди. Кўчиб келганимизда уйимиз лойсувоқ эди. Пул жамғариб, таъмирладик.



ўрганиб чиқиб, «Аёллар дафтари»га рўйхатга киритишди. Кейин эса уй шaroитида иш бошладик.

Ҳаммаси ўшандан бошланди. Ўзимга ишончим ортиб, тинмай меҳнат қилдим. Дастлаб уйимда тўрт нафар маҳалла кизлари билан ишлаган бўлсак, кейинчалик фаолиятимни кенгайтириб, кредит ҳисобига 5 та тикув машина олдик ва цех ташкил қилдик. Ишларимиз юришиб, 33 миллионлик кредитни ёпдик. Тадбиркор-

Фарзандларимиз кўшимча дарсларга ҳам борапти. Уларни кўриб, кўзим қувнайди. Демокчи бўлганим, орзуларим аста-секин ушалапти. Давлатимиз томонидан биз хотин-қизларга яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلардан беҳад мамнунман. Энг муҳими, мен ўзимни бахтлиман, деб ишонч билан айта оламан.

— Уйда ишсиз ўтиргандим, маҳаллага ёрдам сўраб чиқсам, хотин-қизлар фаоли тикувчилик цехи борли-

■ **«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...**

БАХТГА ТЎЛАЁТГАН ҲАЁТ



боис кўшни маҳаллада яшовчи тикувчиларни ҳам ишга жалб этяпмиз. Дилафрўз ишни ижтимоий тармоқ орқали буюртма оlishдан бошлаган. Эндиликда бу борада янада чуқурроқ изланиб, ҳатто махсулотлари рекламасини йўлга қўйган.

Қарийб 5 минг 124 нафар аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада хотин-қизлар 2 минг 614 нафарни ташкил қилади. Овул фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Хонзода Бекпўлатованинг таъкидлашича, жорий йилги 6-босқич «Аёллар дафтари»га 187 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. 2024 йилги 5-босқичда 156 нафар эди. Уларнинг 129 нафари иш билан таъминланиб, баъзилари тадбиркорликка йўналтирилган. Шунингдек, саломатлигини тикламоқчи бўлган ва ногирон фарзанд тарбиялаётган оналарга «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан моддий ёрдамлар берилган.

Абай номли маҳаллада айни кезларда ҳам иш қизгин. Далалар бугдойга, боғ-роғлар меваларга тўла овул аҳлининг яшаш шaroити чеварлар, хотин-қизлар тиккан либослар сингари ўзгача.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»

ФИДОЙИ ҲАМШИРАЛАРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

■ **ЭЪТИБОР**

Фароғат 1996 йилдан буён Хоразм вилояти сил касалликлари санаторийсида фаолият юритади. Тиришқоқ, интилувчан ҳамшира янги иш бошлаган кезларидаёқ жамоа меҳрини қозонди. 2013 йилда уни санаторий бош ҳамшираси қилиб тайинлашди. 2017 йилда эса яна бир масъулиятли вазифа топширилди — ҳамкасблари бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси қилиб сайлашди. Бугунги кунда 150 дан зиёд ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун сидқиқидилдан ҳаракат қилмоқда.



Икки фарзандни ёлғиз тарбиялаб, вояга етказиб келаяпти. Кредитга олинган уй, тиббиёт олий ўқув юртида таҳсил олаётган ўғли учун шартнома тўловлари баъзида оғирлик қилади-ю, аммо куй-қўшиққа ошуфта қалби

уни яшашга ундайди. Касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида турли танловларда фаол иштирок этиб, вилоят, республика босқичларида ғолиблар сазидан жой олган йиллари кўп бўлган. Асосийси, ҳам-

касблари ундан рози. Шу боис ҳисобот-сaiлов йиғинида унинг яна бир бора ишонч билдирилди. Буни қарангки, 30 йиллик фаолияти давомида Фароғат бирон марта ҳам санаторийда дам олмаган экан. Ўз-

бекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан «Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили» давлат дастури дои-

расида вилоят даволаш профилактика муассасаларида фаолият кўрсатувчи тўрт нафар ҳамширага Федерация тасарруфидаги санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди. Улар орасида Фароғат Сапарова ҳам бор. Вилоят кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева йўлланмаларни топшираб экан, касаба уюшмалари томонидан аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар, санаторийлардаги шартшaroитлар йилдан йилга яхшиланаётгани ҳақида гапириб берди. Яна ўнлаб касаба аъзоларига шундай бепул йўлланмалар бериш кўзда тутилган.

Дилноза САИДНАЗАРОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши ижтимоий суғурта бўлими етакчи мутахассиси

■ **МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ**

■ **СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

Бепарволик ташвиш келтиради

18 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Оқибатда 20 нафар ходим жабрланган, 3 нафари вафот этган. — Бахтсиз ҳодисалар тасодиф эмас, аксинча, эътиборсизлик, масъулиятсизлик оқибатидир, — дейди Ҳ.Барноев. — Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шу кунга қадар 656 та иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, хавфсизлик стандартларга мувофиқлиги баҳоланди. Бунинг учун 213 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Шунингдек, 27 та бошланғич ташкилот фаолияти урганилиб, 235 та камчилик аниқланди ва уларнинг аксарияти бартараф этилди. Албатта, ишчилар манфаатларини ҳимоя қилиш учун профилактик тадбирлардан ташқари ҳуқуқий чоралар ҳам қўрилмоқда. Хусу-

сан, кенгашга келиб тушган мурожаатлар асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судларга даъво-аризалар киритилди. Натижада 6 нафар ходим фойдасига иш берувчилардан 511 миллион сўм миқдорда компенсациялар ундириб берилди. Умуман олганда, меҳнат жамоаларидаги арзимасдек кўринган камчилик ҳам катта фалокат келтириб чиқариши мумкин. Шу боис касаба уюшмалари бу борадаги фаолиятини янада кенгайтириши, иш берувчилар масъулиятини ошириши, жамоатчилик назоратини таъминлаши зарур. Зотан, ҳар бир бахтсиз ҳодиса ортида ечимини кутаётган масала, камчилик ва эътиборсизлик турганини унутмаслик лозим.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

САВОЛ: Ҳомиладорлик вақтин турмуш ўртоғим билан ажрашдим. Шу боис ишга киришга зарурат туғилди. Аммо қардан иш сўраб бормай, «Ҳомиладор экансиз», деган ваз билан ишга олишмаяпти. Бу ҳолатда қандай йўл тутишим мумкин?

СУРАЙЁ РАҲИМОВА
Самарқанд вилояти

ЖАВОБ: Амалдаги меҳнатга оид қонун талабларига кўра, аёлнинг ҳомиладор бўлгани учун ишга қабул қилмаслик қатъиян ман қилинган. Шунингдек, қаромоғида ёш фарзанди бор оналарни рад этиш мумкин эмас. Бундан ташқари, ҳомиладор ёки фарзандли аёлга нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш ҳам тўғри эмас. Иш берувчи мурожаатчининг ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги важи билан ишга қабул қилмас, бунинг номзоднинг талабига биноан, уч кун ичида ёзма равишда асослаб бериши зарур. Демак, сиз ҳомиладорлик ҳолатида эканлигингиз важи билан ишга олинмаётган бўлсангиз, бу буйича ўрнатилган тартибда фуқаролик судига ёки прокуратурага мурожаат қилишингиз мумкин.

ҲУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ БЎЛИМИ



ШАРҲ

ланмаси умумий ташқи савдонинг 7 фоизига етди. Бу аввалги 3-4 фоизлик кўрсаткичга нисбатан жиддий ўсиш ҳисобланади. Асосий мақсад 2030 йилга келиб, бу кўрсаткични 15 фоизга олиб чиқишдан иборат.

Айнан шу мақсадда Турк инвестиция жамғармаси ташкил этиляпти. У транспорт, энергетика, логистика ва рақамлаштириш соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни молиялаштириш механизмига айланиши керак.

Жами 2,1 триллион долларлик иқтисодий ва салкам 175 миллионлик аҳолига эга давлатларни бирлаштирган ташкилотнинг салоҳияти улкан. Дарҳақиқат, ушбу салоҳиятни реал кучга айлантириш учун давлат раҳбари нутқида бот-бот янграган божхона тартиб-таомилларини мувофиқлаштириш, қўшма ишлаб чиқариш занжирларини ташкил этиш, «яшил» инвестициялар ва транзитни соддалаштириш каби тизимли ечимлар талаб этилади.

Бу жараёнда Ўзбекистон нафақат ташаббускор давлат, балки эҳтимолий ҳаб сифатида ҳам кўриляпти. Географик жиҳатдан мамлакатимиз Хитой, Ҳиндистон, Россия, Эрон, Афғонистон ва Туркияни боғлаб туради. Иқтисодий жиҳатдан эса янги sanoat лойиҳалари ва рақамли ечимлар учун майдон тақдим этади.

«Шарҳ ва Фарбнинг учрашув нуқтаси» мавзусида ташкил этилган норасмий саммит давлат раҳбарлари учун устувор соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва умумий минтақавий ҳамда глобал масалалар юзасидан фикр алмашиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Давлат раҳбарлари кенгаши томонидан «Туркий Давлатлар Ташкилоти норасмий саммити Будапешт декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Туркий Маданият ва Мерос Жамғармасига қўшилиши тўғрисида»ги ҳамда «ТДТ Бош котибиятининг ваколат муддатини узайтириш тўғрисида»ги қарорлари, «Давлат раҳбарлари кенгашининг Афғонистон масаласи бўйича баёноти» имзоланди ва қабул қилинди.

71 банддан иборат декларация ташкилотнинг савдо, энергетика, транспорт, рақамлаштириш, хавфсизлик ва маданият каби кўплаб стратегик йўналишлар бўйича аниқ йўл харитаси сифатида намоён бўлди.

Декларацияда, шунингдек, Ўзбекистон, Туркия, Қозғистон ва бошқа ТДТ аъзо давлатларининг халқаро ташкилотлардаги, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва ЮНЕСКОдаги раҳбарлик лавозимларига номзодлари кўллаб-қувватланиши қайд этилган.

«Будапешт декларацияси ҳамкорликнинг янги босқичига умумий қарашни аса эттирди. У мамлакатларнинг интеграцияни мустаҳкамлаш ва инфратузилмани янгиландан тортиб, илмий инновациялар ва яшил энергетикага бўлган барча йўналишлардаги сый-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади», деди ТДТ Бош котиби Кубаничбек Омуралиев.

Будапешт саммити Туркий давлатлар ташкилоти ўзининг интеграциявий тарихи учун янги тафаккурни шакллантираётганини намоён этди. Бу декларациялар даврдан амалий ҳаракатлар босқичига ўтиб, минтақавий ҳамкорликни стратегик бошқариш моделини яратиш деганидир. Саммитда қабул қилинган қарорлар трансмиллий миқёсдаги истиқболдаги мақсадлар учун ягона майдон яратишга уриниш, дея баҳоланмоғи керак. Ҳозирги мураккаб геосиёсий вазиятда ТДТ ташаббуслари замирида мустақил ташқи сиёсат юритаётган, ўз тараққиёт моделини ўзи яратётган давлатларнинг ҳамкорлик кўламини кенгайтириш мақсади ётибди.

Келгуси йиллар Туркий давлатлар учун транспорт лойиҳаларини молиялаштиришдан тортиб, умумий бозор механизмларини ишга тушириш, рақамли суверенитет каби кўплаб синовларни олиб келиши турган гап. Аммо ушбу норасмий саммит ТДТ амалий ишларга тайёр эканини намоён этди. Зеро, «Турк-трейд», «Яшил йўлақлар», қўшма форумлар ва ўзаро ечим механизмлари интеграция аломатларидир.

Ушбу, бу жараён қанчалик бардавом бўлади? Туркий давлатлар ташкилоти эндиликда ташқи таъсирларга қарши эмас, ички бирдамлик ва тараққиёт лойиҳаси сифатида шаклланимоқда. Агар бу сый-ҳаракатлар мутаносиблик ва ўзаро ишончга асосланса, келажакда туркий олам нафақат ўз халқлари, балки глобал сиёсий иқтисодий учун ҳам аҳамиятли акторга айланиши, шубҳасиз.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«SHONCH»

ТУРКИЙ ОЛАМ ХҲІ АСР СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРМОҚДА

ТДТнинг норасмий саммитидан кейинги мулоҳазалар

21 май куни Венгрия пойтахти Будапештда бўлиб ўтган норасмий саммит Туркий давлатлар ташкилотининг кенг кўламли фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Декларатив учрашувлардан тўлиқ сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик форматигача бўлган узоқ йўлни босиб ўтган ушбу ташкилот бугун Евроосий ҳамкорлик архитектурасида муносиб ўрин эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Турли саммитлар, юқори даражадаги учрашувлар, Туркий инвестиция жамғармасини ташкил этиш каби муҳим ташаббуслар келгусида глобал саҳнада рақобат қила оладиган иттифоқ пойдеворини мустаҳкамлайдиган дастлабки қадамлардир.

Бу жараёнда Ўзбекистон нафақат демографик нуфуси ва географик жойлашуви, балки Туркий давлатлар ташкилоти ғояларини аниқ сиёсий, иқтисодий ва маданий йўналишлардаги амалий ишларга айлантираётган давлат сифатида ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Шубҳасиз, бунда бугунги кун турк оламининг долзарб масалаларини шакллантираётган асосий меъморлардан бири – давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сый-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш зарур.

Туркий давлатлар ташкилоти тарихини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич – 1992 йилдан (Анкарада ўтказилган биринчи туркий тили давлатлар саммитидан) то 2009-2010 йилларда Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши тузилгунгача бўлган давр. Иккинчи босқич – 2011-2021 йиллардаги институционаллашув босқичи бўлиб, унда аниқ қўшма дастурларни амалга ошириш жараёни бошланган. Учинчи босқич эса 2021 йилда Турк кенгашининг Туркий давлатлар ташкилоти деб қайта номланиши билан боғлиқ. Бу ўзгариш ташкилотнинг геосиёсий ва геоиқтисодий нуқтаи назардан янада расмий, узоқ муддатли йўналишга ўтишини аниқлади.

ТДТга 2019 йили қўшилган Ўзбекистон жуда қисқа фурсат ичида иқтисодий ва маданий ташаббусларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. 2022 йилда Самарқандда бўлиб ўтган саммит ва айниқса, куни кеча Будапештда бўлиб ўтган норасмий саммит Туркий давлатлар ташкилотида катта мақсадлар сари йўналтирилган трансформация жараёнлари юз бераётганини кўрсатди.

Туркий давлатлар ташкилоти тарихида илк бор норасмий саммит кузатувчи мақомига эга давлат ҳудудида, Европанинг қоқ маркази – Будапешт шаҳрида ўтказилди. Қолаверса, тадбир одатий учрашувлардан фарқли ўлароқ, туркий интеграциянинг чинакам стратегик лабораториясига айланди – ТДТ раҳбарлари ташкилотга аъзо ҳамда кузатувчи мақомидagi давлатлар олдига турган асосий қақриқлар, глобал имкониятлар ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги уфқларини муҳокама қилдилар.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбан раислигида бў-

либ ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Қозғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасида кўп қиррали алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг шиддат билан ўзгараётган глобал вазият ва олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб жараёнлар, геосиёсий ва геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва иқлим ўзгариши оқибатлари кучайган бир шароитда ўтаётганини таъкидлар экан, «Шу сабабли долзарб муаммолар ечими бўйича давлатларимизнинг умумий ёндашув ва позицияларини кучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир», деди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан Туркий давлатлар ўртасида стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-коммуникациявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, Ташкилот мамлакатларининг умумий ташқи савдо айланмасида ўзаро савдо улushiни ошириш мақсадида «Турк-трейд» онлайн платформасини яратиш ва Товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича амалий дастур қабул қилиш таклифини билдирди.

Транскаспий халқаро йўлаги орқали юк ташиш ҳажмининг ўсишини таъминлаш ва божхона-чегара тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари ушбу йўналиш бўйлаб «ягона дарча» ва «яшил йўлақлар» тизимини жорий этишга қақирди. Президентимиз бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида шу йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Туркий давлатларнинг мултимодал транспорт ва логистика халқаро форумини ўтказиш режалаштирилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Туркий инвестиция жамғармаси таъсис этилганини олқишлаб, инновацион лойиҳаларни кўллаб-қувватлаш учун Қўшма венчур компанияси ва ташкилотга аъзо мамлакатларнинг инвестициявий имкониятларини тақдим этадиган ягона портал ташкил этиш, sanoat кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида эса кимё, энергетика, тоғ-кон, енгил sanoat, фармацевтика, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва қурилиш тармоқларида йирик ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари иқлим кун тартибига тўхталар экан, яқинда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро иқлим форуми давомида «яшил» тараққиёт соҳасида глобал ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилганини қайд этди. Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг Будапешт шаҳрида Қурғоқчиликнинг олдини олиш институтини ишга тушириш ташаббуси кўллаб-қувватланди. Унинг фаолиятига қўмаклашиш ва мақсадли лойиҳаларга кенроқ жалб қилиш учун қурғоқчилик ва экологик муаммоларнинг олдини олиш бўйича қўшма «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон Президенти фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар халқаро университетининг очилиши ташкилотга аъзо мамлакатларнинг таълим дастурларини амалга ошириш ва иқтидорли ёшларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшиши таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси Халқаро туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Туркий маданият жамғармаси кенгашининг навбатдаги ййгилишини Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ТДТга қўшилгандан буён ўзини концептуал ва амалий етакчи сифатида намоён этиб келмоқда. Мамлакатимиз стратегияси иқтисодий прагматизм, маданий-гуманитар яқдиллик ва технологик келажак каби учта асосий устунга таянади.

Ўзбекистон 2023 йилда ТДТдаги раислиги давомида 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказди. Рақамлаштириш, транспорт, туризм ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида дастурлар ишлаб чиқилди. «Турк-трейд» платформасини яратиш ташаббуси туркий давлатлар ўртасида ҳозирча 7 фоиздан ошмайдиган ўзаро савдо ҳажминини ошириш ва тўсиқларни камайитиришга қаратилган кўллаб ташаббусдан бири, холос.

ТДТ Бош котибияти маълумотига кўра, 2024 йилда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ички савдо ай-



«Ishonch» газетасининг 2025 йил 6 майдаги сонида «Тилдан заҳар эмас, бол томса эди...» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, масъуллар ҳукмига ҳавола этилган эди. Унга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

Мақола тафсилотлари юзасидан Сирдарё вилояти, Бобёвут тумани, «Олмазор» маҳалласида жойлашган 8-умумтаълим мактабида ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ўтказилди.

Маълум бўлишича, мактаб директори А.Йўлдошев ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси М.Абдурахмонова ўртасида 2024 йилнинг декабрь ойида пуллик тўғараклар, репетиторлик курсларини ташкил этиш борасида келишмовчилик келиб чиққан. Оқибатда М.Абдурахмонованинг соғлиги

ёмонлашган. Қақриув бўйича етиб келган туман тез тиббий ёрдам ишфокорлари М.Абдурахмоновага ёрдам беришган. Шундан сўнг мактаб маъмурияти ўқитувчига бир ойлик иш ҳақи миқдорида (4 миллион 674 минг 285 сўм) моддий ёрдам кўрсатган.

Ўрганиш давомида, шунингдек, мақолада келтирилган вазир таъсирини топмади. Хусусан, ишчи-ҳодимларнинг таъкидлашича, мактаб директори бирон-бир тадбир ўтказиш ёки бошқа сабаблар билан ҳеч кимдан пул йиғмаган. Кўрсатилган моддий ёрдамларнинг 30 фоизини ҳам ўзида олиб қолмаган.

Шу билан бирга, педагог ҳодимлар билан ўтказилган суҳбат натижаларига кўра, мактаб директори А.Йўлдошев нафақат М.Абдурахмонова, балки бошқа педагог ҳодимлар билан ҳам зиддиятга борган. Уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситган,

«ISHONCH»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

МАКТАБ ДИРЕКТОРИ АЙБДОР

раҳбарлик этикасига амал қилмаган. Бунинг оқибатида жамоада носоглом муҳит юзага келган. Директор бу ҳаракати билан «Педагогининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси, шунингдек, «Мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог-ҳодимлар учун намунавий этика қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-боб, 10-банди талабини қўпол равишда бузган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг тегишли буйруғи билан А.Йўлдошевга нисбатан Меҳнат кодексининг 312-моддаси 2-қисмига биноан, иш ҳақини 30 фоизи миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Ф.БОҚИЕВ



ҲАФТАЛИК
ГАЗЕТАЛАР ШАРҲИ

«Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифасида
кўринг!



Сизга ҳам тавсия этамиз!

ТАФАККУР ЁҒДУЛАРИ

Козоқбой йўлдош: ҚАЛИМА КҲУДОЙБЕРДИЕВА – ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ ПОЗТИК ҲАЙКАЛИ

Ҳар қандай чинакам ижодкорнинг икки умри бўлади. Биринчи жисмоний ҳаётлигидаги, иккинчиси дунёдан ўтгандан кейинги асарлари билан яшайдиган умри. Инсон жисмоний ҳаёт эканида ўн, йшғирма, боринки, юз кишининг кўнглини олиши мумкин, бироқ агар у чинакам истеъдод эгаси бўлса, унинг асарлари билан миллионлаб одамларнинг кўнглидан жой олиши, шубҳасиз...

«Ishonch»нинг Telegram каналига қўлинг!

АЙТ, ЮРАГИМ СЕНГА НЕ КЕРАК?

Битта ширин сўздан яйрайсан, Битта совуқ сўздан қақшайсан, Типирчилаб жоним қийнайсан, Айт, юрагим, сенга не керак?

Гоҳо сустсан, гоҳо ўйнайсан, Азоб бериб сира тўймайсан. Ўз ҳолимга нега қўймайсан? Айт, юрагим, сенга не керак?

Кўксимдаги оғир харсанг тош, Наҳот бўлсанг шунчалар бебош. Кўзларимдан оқар аччиқ ёш, Айт, юрагим, сенга не керак?

Игналаринг азоблар оғир, Санчиқлардан қон бўлди бағир, Билолмайман, айбим не ахир, Айт, юрагим, сенга не керак?

Бору йўғи ўзинг муштдайсан, Гоҳо оғир, гоҳо қушдайсан. Аямайсан, жондан ушлайсан, Айт, юрагим, сенга не керак?

Гулҳаё НУРИЛЛАЕВА, Бухоро шаҳридаги 23-ИДУМ ўқитувчиси

ДАДА

Кўзларимга сурай қадамингизни, Жоним нисор бўлсин хок-пойингизга. Тўйиб-тўйиб ўпай юзларингизни, Малҳам бўлай қадоқ қўлларингизга.

Меҳрибон дадамсиз, хокисор дадам, Бахтимга бор бўлинг, ҳамшиша, ҳар дам. Халқнинг хизматидан толмаган дадам, Меҳнатдан бахт топган, фидойи одам.

Қизларингиз номус, орингиз бўлиб, Оиладан бахт топиб яшамоқдамиз. Набиралар ортингиздан қувончга тўлиб, Уларга термулиб ёшлқни қўсмамоқдамиз.

Беш фарзанд бешта жон қанотингизда, Кам бўлмай, нолимай ўсдик, улғайдик. Ҳалоллик янгради ҳар сўзингизда, Пок виждон қўнида тарбия топдик.

Бугун сизга таъзим, сизга ташаккур, Бахтимизга тоғ бўлинг, дада. Онажоним билан яна кўп йиллар, Эсон-омон, соғ бўлинг, дада.

Дилноза ФАЙЗИЕВА, Когон туманидаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

ЧЎЛ БАҒРИДАГИ МЎЪЖИЗА

Мен бу инсон билан бор-йўғи икки марта кўришганман, холос. Илк бор 2023 йил 12 августда учрашганман. Ушанда меҳнат таътилимни Сурхондарё вилоятида ўтказётганим. Бундан хабар топган Экология бошқармасининг матбуот котиби Темуր Ғойибназаров мени Оқтепа овчилиқни ривожлантириш хўжалиғига олиб бориб, Александр Федин билан таништирди...

Қуёш кунботарга қараб оғанда Темурунинг «BA3-2107» русумли оқ «Lada» машинасида унинг устози, журналист ва шоир оғамиз Воҳид Чориев билан Жарқўрғон тумани марказидан ўтиб, «M 41» йўлида Термиз сари илгарилар бошладик. Бироздан сўнг чапга бурилдик. Августнинг иссиғида сап-сариқ тус олган даштга кириб боравердик. Аммо бир оздан кейин ям-яшил дарахтлар кўринди. Ундан нарида эса Жарқўрғон сув омбори. Биз ўнг томони канал, чап томони яшил йўл бўйлаб юрдик, сўнг икки томони қуюқ дарахтлар орасидаги йўлга ўтдик. Яшиллик қалинлигидан пастга қуёш нури деярли тушмасди. Бу жой чўл қўнида инсон қўли билан яратилган мўъжиза эди.

МЕҲНАТ ВА ҚАТЪИЯТ МАҲСУЛИ

Бизни эғнига бироз эскирган яшил форма, бошига яшил кепка кийган, кителининг чап кўсида «Егеръ» (Овчи) деган ёзуви бор, қотмадан келган, сочи ва мўйлови оқарган, кўзлари ичига ботган, сап-сариқ киши кутиб олди. Кўринишидан ўрмисга, гапиришидан ўзбекка ўхшарди. У оддий ўрмончи, овчи Александр Федин эди.

Иккимиз бир соатдан ортиқ гаплашдик. Аввалига столда ўтириб, сўнг дарахтзорлар орасига кириб, охирида боғ, ўрмон ва тўқайзор теласига чиқиб гурунлашдик. Шу асно Александр аканинг наботот ва ҳайвонот оламига бўлган меҳрини ҳис этдик.

Дастлабки суҳбатимиз ушбу хўжалиқнинг яратилиш тарихи ҳақида бўлди. Александр Федин эндигина 30 ёшга тўлган 1989 йил бошида бир гуруҳ овчилар Жарқўрғон сув омбори соҳилидан ер сўраб, тегишли ташкилотга мурожаат қилишди. Уларга қиялиги 45 даража бўлган чўл жойдан 4 гектар жой ажратилди. Овчилар тупроғи минг, чага, кум, гипсдан иборат, айрим қисмлари жарлик бўлган жойга ниҳол қадай бошлашди. Уларнинг устидан ҳамма куларди. Чунки биринчи йили қилинган ишнинг самараси унчалик кўринмади. Устига-устак, баъзи кимсалар экилган кўчатларни суғуриб ташлашди ёки молларга едирди. Албатта, овчилар ҳам бўш келмай, кўчат ўтказишда давом этишди. Кейинги йили уларга яна 80 гектар ер берилди. Бошқалар қатори Саша ака ҳам тинмади. Қандай кўчат топса, ерга қадади, дарахтларни пайвандлади, суғорди, парваришлади. Инсоннинг қўли гуллиги чин экан, тап-тақир жойда бир неча йил мобайнида 84 гектарлик ўрмонзор пайдо бўлди.


Сув омбори ҳудудида ташкил этилган Оқтепа овчилиқ жамаиятининг умумий майдони, сув омбори билан қўшиб ҳисоблаганда, 1900 гектарни ташкил этарди. Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, деганларидай, кўзга ташланиб қолган боғ, ўрмон ва тўқайзорга кўз олайтирувчилар ҳам пайдо бўла бошлади.

Ажаб, биз нега шунақамиз? Ўзимиз бир донаниҳол қадамимиз, аммо минг машаққат билан қаровисиз жойни яшил маконга айлантирган кишининг ошига шерик бўлгимиз, ишини барбод қилгимиз келади. Кимдир яшиллик бағрида хавотирсиз яшай бошлаган жониворларга кўз тикса, бошқаси дарахтларни мўлжалла олади. Яна биروي тўлов эвазига молини ўтлатмоқчи ёки оилавий дам олиш маскани қурмоқчи бўлади. Қай бирлари азим дарахтларни кесиб, ўтин қилишни мўлжаллашди.

Александр ака эса уларнинг ҳеч бирига розилик бермади. Ахир бу майдонларга 500 турдаги дарахт экилган, уни аллақачон 30 турга яқин жонивор ўзига макон тутган. Дарахтларнинг 50, жониворларнинг 12 турдагиси Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган.

1973-1975 йилларда қурилган Жарқўрғон сув омбори (Актепе Reservoir) қушлар миграциясининг Марказий Осиё йўлида жойлашган. Ушбу иншоот ва унинг атрофидаги боғ, ўрмон, тўқайзор кўплаб кўчманчи қушлар учун тўхташ, дам олиш ва озиқланиш жойига айланди. Қора ва оқ лайлақлар миграция пайти омбор ҳудудида тўхта ўтади. Оқ лайлақлар баъзан юртимизда қишлаб қолиши ҳам мумкин. Қорақанотли ғозлар Тибет, Қозоғистон ва Россиядан Ҳиндистонга қишлаш учун учиб пайти Жарқўрғон сув омборига кўниб ўтади. Омборда ғозлар, ўрдақлар, фламинго ва бошқалар учрайди.

Кузги миграция (сентябрь – ноябрь) чоғида қушлар Россия, Қозоғистон ва Сибирдан жанубга



– Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга йўл олади. Жарқўрғон сув омбори улар учун муҳим тўхташ нуқтаси ҳисобланади. Баҳорги миграция (февраль – апрель) вақтида қушлар қишлоқ ҳудудларидан қайтишда ҳам Жарқўрғонда тўхтаб ўтади.

Жарқўрғон сув омбори ва унинг атрофидаги ҳудудлар кўплаб қуш турлари учун муҳим экотизим саналади. Агар шароит бўлса, шу ерда қолиб тухум қўядиганлари ҳам топилади.

Сув омбори ҳамда Александр Федин сингари фидойилар барпо этган яшил макон эндиликда ана шундай муҳим аҳамиятга эга ҳудудга айланган.

ҚАНОАТЛИ ОДАМ – БОЙ ОДАМ

Ушанда гурунлашаётиб, у «Ойга 1 200 000 сўм маош оламан», деди. «Бу кам эмасми?» деганлими, «Шунгама хурсандимиз, бунча пул топа олмаётганлар ҳам бор», деди у шукроналик билан.

Александр Федин ва ҳамкасблари ҳар йили тўрт-беш минг туп кўчатни одамларга ҳамда турли ташкилотларга бепул тарқатишади. Улар ўша ниҳолларни сотсалар ҳам бўлади, лекин бундай қилишга виждонлари йўл қўймайди.

Мен қаноати бор одам, энг бой одам эканини ўшанда билганман.

Федин ароқ ичмайди, сигарет чекмайди. Ўзбек тилида, аниқроғи, кўнғирот шевасида шундай чиройли гапирдики, тинглаб роса яйрайсиз. Ҳатто тилимиздаги «яшириб» сўзини гирт кўнғиротчасига «дашириб» деганини эшитиб, беихтиёр қийқириб юборганимиз келади.

Ўзи ташкил этган яшил маконда ўзбек тилида мириқиб гаплашар эканмиз, Александр ака шу заминда яшаб ўзбекка, табиатнинг бир бўлагига айланиб қолганини сездим. Бир қарасангиз, гурунги бўлиб, осмондан қайси қуш учиб ўтганини айтади, «Ана, сассиққ полишак ўтди», дейди. Бир қарасангиз, ёввойи чўчқалар дарахтлар танасига из қолдириб кетганини гапириб нолиб қолади. У сиз билан гаплашаётганда ҳам табиат ва ҳайвонлар билан яшаётган бўлади.

Бу ҳудудга Австралия, Финляндия, Россия, Норвегия, Хитой ва бошқа кўплаб давлатлардан табиатшунос олимлар келиб илмий тадқиқотлар ўтказишади, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг янги турларини ўрганишади. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг устоз ва талабалари ҳам шу ерда ҳозир нозир.

Воҳид Чориев Александр ака ҳақида «Сурхондарё» телеканалига махсус репортаж тайёрлаган. Кўрсатувда ўрмончи ҳақида яши гаплар айтилган ва табиатни ҳимоя қилгани шундай эса олинган:

«Биз Ўзбекистон учун янги ҳисобланган чайка, яъни чағалай қўшини томоша қилмоқчи бўлдик. Александр ака уларни узоқдан кўрсатишга рози бўлди, аммо яқинига боришимизга астойдил қаршилиқ қилди. Худди фарзандларини ёт нигоҳлардан қўриқлаётган ота сингари. Унинг айтишича, ҳозир бу ноёб қушларнинг тухум босиш, кўпайиш мавсуми давом этаётган, бинобарин, уларни тинч ва хотиржам қўйиш лозим экан».

ТАБИАТ ҲИМОЯЧИСИ

2023 йилнинг 27 декабрь кўни Экология ва заирлиги биносида «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишонини топшириш маросимида қаҳрамонимиз

билан тасодифан учрашиб қолдим. Бошловчи Парвиз Фаттоев «Александр Федин – она табиатни асрашга катта ҳисса қўшган навбатдаги тақдирланувчимиз», деб эълон қилганда жуда хурсанд бўлиб кетдим. Вазири Азиз Абдуҳакимов у кишига муқофотни тантанали топширди. Табиатнинг ҳақиқий ҳимоячиси ҳам бошқалар қаторида эканидан бахтиёр эдим. У жойига ўтираётганида «Александр ака, табриқлайман!» дедим. У мени танидимми-йўқми, билмадим, аммо шуниси аниқ эдики, дарахтлари ва жониворлари олдида шошаётгани боис залми эрта тарк этди. Мен бу сафар у билан юзма-юз гаплашишга улгурмадим.

Дарвоқе, ўшанда мен табиатни асраш мавзусида ёзилган уч-тўртта мақола ва шеърларим учун, Александр ака эса 34 йиллик ҳаётини табиатга бағишлагани, шунча вақтдан буён уни талончилару қароқчилардан ҳимоя қилиб келаётгани учун шундай рағбатга лойиқ қўрилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН – ФЕДИНИНГ ЮРТИ


Александр Фединнинг ота-ониси 1959 йили – собиқ Иттифоқда совхозлаштириш давом этаётган кезларда Россиядан бу ёқларга олиб келинади. Саша ўша йили 11 январда Тожикистонда туғилади. Бир ойлигида оила аъзолари Сурхондарёга кўчиб ўтади. Эр-хотин 8 фарзанд кўради. Бири давлат хўжалиғида уста, бири механизатор бўлиб ишлади. 1986 йили Александрнинг ота-ониси ва жигарлари Россияга қайтиб кетишади. Кейинчалик қизи, хотини ҳам ўша юртни Ватан тутди. Бу ерда худди сахродаги якка дарахт сингари факатгина Федин қолади. У Сурхоннинг бир чеккасида худди ота юртидагидай ўрмон барпо этади ва у жойларга меҳр қўяди. 36 йилдирки, шу ерда ўрмончи, овчи бўлиб ишлаб келяпти. Ён-атрофидаги дарахтлар ва жониворлар унга ўз болаларидай қадрдон бўлиб қолган. Назъматак, ёнғоқ, чинор, арча, қораёғоч, саксовул, булбул, турна, қўндуз, ўрдак, тустовуқ, баллик, ит, силовсин, тўнғиз, тулки, бўри билан гурунлашади.

Уни мен Игорь Савицкийга ўхшатаман. У сахрода музей ташкил этган бўлса, Александр Федин чўлда ўрмон барпо қилди. Россияга кетган қариндошлари ва дўстлари баъзан ўша ўлкадаги ўрмонзорлар, ёввойи ҳайвонлар расмини телефон орқали юбориб, уни ўша ёқларга қақришади. «Кел, бу ерда ҳам овчилик қилсан», дейишади. Тўғри, Россия ўрмонзорлари жуда чексиз. Аммо у Ўзбекистонни, ўзи яратган тўқай, ўрмон ва боғларни, Сурхоннинг танти одамлари ҳамда кенг қўлларини яшии қўргани учун ҳам ҳеч қаерга кетмайди. Бир гал Россияда меҳмон бўлиб, узоқ вақт қола олганини қилиб гапириб берган: «20-30 кун ўтар-ўтмас, қўшларим, дарахтларим нима бўлди экан, деб ичим қуйиб кетаверди ва охири поездга ўтирдим-да, Ўзбекистонга отландим. Йўл узоқ, одам зерикади. Поезд Қозоғистон ерларига келганида чўл ва туяларни кўриб «О, Ватан!», деб бақириб юборганман».

Мен мана шундай фидойи инсонлар борлиги учун ҳам юртимизда барака бўлса керак, деб ўйлайман. Қийинчиликлардан нолиб, киноя билан «суриш керак», дея кўнгли ўзга юртни тусайдиган юртдошларимизга йўқдан бор қилган инсон, Ўзбекистоннинг кичик тўқайзорини Россиянинг катта ўрмонларига алмашмаётган Александр Фединни намуна қилиб кўрсатгим келди.

Фозил ФАРҲОД

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Муҳаббат ШАМАЕВА ижросида

«КЎЧАЛАР» кўшиғи

Туроб ТЎЛА шеъри

Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар, Бунча ҳам гўзалсиз қайдин, кўчалар? Тагин у ўтди, ўша бепарво, Кўнғиллар соҳиби, айтинг кўчалар? Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар.

MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENIYEV (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir **Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulruxbegim ODASHBOYEVA

Musahhih: Dilorot XUDYOBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV

Bahosi kelishilgan narxda

Bo'shga topshirish vaqti – 19:30
Topshirildi – 19:50

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teritdi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch 1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilashrtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 2 324 49 ta

Shunday: 6 258 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-511**

1 2 3 4 5 6